



Алишер Навоий ва нотиқлик сангъати масалалари

Илмий раҳбар: X.Т.Аҳмедова Қўқон ДПИ катта ўқитувчиси,

Сатторова Дилнурда Қўқон ДПИ, талаба

Аннотация: Ушбу мақолада Алишер Навоининг сўз, нутқ маданияти ҳақидаги мулоҳазалари ва бунинг аҳамияти юзасидан фикр юритилган. Алишер Навоининг тил хосиятлари ва оғатлари, тилдан ўринли фойдаланишнинг фазилатлари ҳақидаги фикрлари шарҳланган.

Калит сўзлар: филология, сўз, нутқ, нутқ маданияти, маданий нутқ, кўнгил, хазина, сўзчи, чечанлик, нутқнинг тозалиги, равонлик, тўғрилик, ширин сўз, яхши тил, ёмон тил, ёлғон сўз, самимий сўз, ифодали нутқ, юмшоқ сўз.

Аннотация: В статье обсуждаются взгляды Алишера Навои на слово, культуру речи и его важность. Комментируются взгляды Алишера Навои на особенности и катастрофы языка, качества рационального использования языка.

Ключевые слова: филология, слово, слово, речь, культура речи, культурная речь, душа, сокровище, говорящий, красноречие, чистота речи, беглость, правильность, сладкое слова, хороший язык, сквернословие, ложь, искреннее слова, выразительная речь, мягкое слова

Resume: The article discusses the views of Alisher Navoi on the word, the culture of speech and its importance. Comments on Alisher Navoi's views on the characteristics and disasters of language, the qualities of rational use of language.

Key words: philology, word, word, speech, culture of speech, cultural speech, heart, treasure, speaker, eloquence, purity of speech, fluency, correctness,



sweet words, good language, bad language, lying words, sincere words, expressive speech, soft words.

Алишер Навоийнинг қомусий ижодкор эканлиги яхши маълум. Адибнинг асарларидан фалсафа ва тарихда, сиёsatшунослик ва руҳшуносликда, социология ва тилшуносликда, адабиётшунослик ва табиий фанларни ўрганишда фойдаланиш имкониятлари ҳақида турли соҳа мутахассислари қизиқарли ва жиддий тадқиқотларни амалга оширишган. Шу силсилада адибнинг нотиқлик санъати учун ҳам ниҳоятда катта улуш кўшганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз кўринади.

Навоий сўз санъатининг, воизликнинг амалиётини ниҳоятда яхши ўзлаштирган. Шунинг учун ҳам у ўз асарларида тингловчи кўнглини ром этишни, уларга ижобий таъсир ўтказишнинг барча шакл ва воситаларини ниҳоятда пухта ўзлаштирган. Энг муҳими, буларнинг барчаси адаб тасвирида юксак бадиият намуналари сифатида тақдим этитлади:

Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар,

Ҳар нечаки ағёрдуур ёр айлар.

Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,

Юмшоғи кўнгулларни гирифтор айлар [1].

Мазкур рубоийнинг асл моҳияти “Лайин ул-каломи қайду қулуби”, яъни “Юмшоқ сўз қалбларни маҳбуб қиласи” деган ҳадиси шариф мазмунини ёритиб беришдан иборатdir. Бунинг учун муаллиф уч хил сўз синфларини ажратиб олади. Булар “чучук сўз”, “қаттиқ сўз” ҳамда “юмшоқ сўз”ларdir.



Инсоннинг чучук (яни ширин, ёқимли) сўзларни ишлатишида катта имтиёзлар мавжуд. Бунинг натижасида у ёвларни дўстга, ғанимларни яқинларга, ағёрларни ёрга айлантира олади. Бу ердаги “эл” сўзи ўз маъносида кўлланган эмас. У матнда “бошқалар”, “атрофдагилар”, “мулоқотда бўлувчилар” сингари маъно нозикликларига эга. Демак, рубоийнинг дастлабки икки мисрасидаги асосий фикр ҳадиси шарифдаги асосий фикрнинг мағзини ёритиб беришга хизмат қиласди. Бунда ширин сўз ҳатто душманни ҳам яқинлаштириши мумкин деган ақида, хукм олға сурилади.

Учинчи мисра (“Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар”) сўз қўллаш билан боғлиқ бўлган битта ниҳоятда хатар ҳақида маълумот беради ва ундан сақланишга даъват руҳини мужассамлаштиради. Биз бу мисрада ҳам “эл” сўзининг яна бир марта истифода эътилганини кузатамиз. Аммо энди у юқоридагидек “бошқалар”, “атрофдагилар”, “мулоқотда бўлувчилар” сингари маъноларни эмас, балки, “хар бир киши”, “хар қандай киши”, “кўпчилик” сингари маъноларни акс эттириб турибди. Бунинг холосаси шуки, қаттиқ сўздан ҳеч бир киши хурсанд бўлмайди, ундан ҳамма озурда бўлади, холос. Охирги мисра бутун рубоийга якун сифатида майдонга келган. Дастреб у ўзидан олдинги мисрадаги маънонинг инкор шаклидаги такрори сифатида намоён бўлади. Иккинчидан эса, юмшоқ сўз имкониятини, таъсир кучи ва қувватини кўрсатишга бағишлиянгани билан бошқаларидан ажralиб ҳам туради. Унинг ҳадис маъносига ҳам уйғунлигини эътироф этиш жоиз. Муҳими, у бутун рубоийнинг якуний холосаси сифатида жаранглайди.

Рубоийнинг ўзак нуқталаридан яна бири унинг зид маъноли сўзларга таянишида кўринади. Бунинг учун муаллиф “ағёр” ва “ёр”, “қаттиғ” ва “юмшоғ”, “озор” ва “тирифт” сўзларини танлаб олади.

Радиф учун “айлар” сўзининг танлангани ҳам бежиз эмас. Муаллиф унинг ўзидан олдинги сўз билан қўшма от ташкил этишидан фойдаланиб анча мураккаб тушунчани бир қадар содда ва ихчам тарзда тасвирлашга йўл очган. Айни пайтда қофия ва радифнинг ўзаро “хамкорлиги” шоир кўзда тутган маънонинг аниқ ва таъсирchan тарзда ифодаланиши учун энг муносиб имкониятни юзага чиқарган.

Алишер Навоий “Назм ул-жавоҳир” асарида нутқ маданияти ва нотик маънавиятига доир бир ҳадис (“Мо надама ман саката” – “Сукут сақлаган одам сўнг надомат қилмайди”)ни бундай шарҳлайди:

Ҳар кимсаки, нуктаси фаровон бўлмас,

Тил ранжиға қолмоғлиги имкон бўлмас.

Кўп сўзлагучига гайри нуқсон бўлмас,

Ҳар кимки хамуи бўлди, пушаймон бўлмас [2].

Яъни, кимда бошқалар билмайдиган нозик маъноларнинг ифодасида сероблик бўлмаса, (яъники худа-бехуда гаплар айтилавермаса), у кишининг тил туфайли ҳар хил нокулайликларга дучор бўлиш имконияти ҳам йўқолиб бораверади (камаяди ёки йўқ бўлади). Кўп сўзлайдиган одамда хатодан бошқа нарса бўлмайди (Навоий бошқа бир ўринда кўп сўзлаган кўп хато қилади, деб таъкидлаган эди). Тўртликнинг якунловчи мисрасида асосий хулоса ўз аксини топган: кимки жим қолса, унда ҳеч қачон пушаймонлик бўлмайди.

Нутқ ва нотикликка оид машғулотларда ҳар бир матнинг тегишли даражадаги тарбиявий куч ва қудратга эга бўлишига алоҳида эътибор бериш жоиз. Негаки, “таълим мазмuni таълим мақсадига кўра белгиланади” [3].



Шунда ҳам таълимий мақсад амалга ошади, ҳам ўқувчи ва талабалардаги маънавий фазилатларининг кўпайиши сари табиий йўл очилади. Охир-оқибатда эса уларнинг дунёқарашлари кенгаяди, бадиий асарни тушуниш ва таҳлил қилишга оид кўникма ва малакалари янада такомиллашиб боради, яъники уларнинг умумий ривожланишларига ҳам муносиб бир ҳисса кўшилади. Мана шу мақсадлар учун Навоий асарларида жуда катта ички имкониятлар мужассамлашган дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами, Ўн бешинчи том, Назм ул-жавоҳир. – Т.: ЎЗФА “Фан” нашриёти, 1999. 171-бет
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами, Ўн бешинчи том, Назм ул-жавоҳир. – Т.: ЎЗФА “Фан” нашриёти, 1999. 173-бет.
3. Розиқов О. Ўзбек тилидан дарс типлари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1976, 14-бет.
4. H.T.Ahmedova. The role and importance of the east individual creators in the development of rhetoric subject. Journal of Positive School Psychology.2022. <https://journalppw.com/index.php/jpsp/article/view/13940>